

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Тотализатор ўзи нима? У французча «totalisateur» сўзидан олинган бўлиб, ҳисоблаш, яқунлаш маъноларини билдиради. Оддий айтганда, тотализатор бу – мўмайгина пул ютиб олиш мақсадида букмейкерлик компаниясига пул тикиш деганидир. Яъни бирор-бир букмейкерлик компаниясида рўйхатдан ўтасиз. Ўзини ставкаларини ташкил қилувчи платформа ҳисобрақамига пул ташлайсиз.

Унда истаган одам бирор-бир спорт ўйини воқеалари, натижаларини олдиндан тахмин қилади ва шу тахмин учун пул тикади. Ютуқ миқдори тахмин билан натижанинг қанчалик тўғри келишига боғлиқ. Сизнинг тахминингиз тўғри чиқса, сизга ютуқ чиқади. Устама пул ҳам берилиши мумкин. Агар тахминингиз ўзини оқламаса, сиз тиккан пул куяди.

Масалан, футбол ўйинини оладиган бўлсак. Биламизки, икки машҳур жамоа тўқнашуви олдиндан ўйин ҳақидаги баҳс-мунозаралар, фикр-мулоҳазалар, тахминий ҳисобни айтиш каби жараёнлар кечади. Учрашув майдони, жамоалар қандай таркибда майдонга тушиши ва ҳаттоки, учрашув ҳақамини ҳам тахмин қилувчилар кўпаяди. Лекин тахмин қанчалик ўзини оқлайди? Ўйинда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Яқинда бир воқеани эшитиб қолдим. Тотализатор ўйинига муккасидан кетган хорижлик бир йигит Англия чемпионатидаги икки номдор жамоанинг ўйинини қайси ҳакам бошқаришини тахмин қилиб, тах-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Мўмай пул топаман, деб борингиздан айрилманг

- Футбол чемпионати: тотализаторда ҳовли ютқазиб...
- «Бахт куши» қўнмагач, академик таътилга чиқди

Ҳозирги пайтда интернетсиз кунимизни тасаввур қилиш қийин. Бу табиий, бир кун интернет ишлатманг, ўзингизни замондан орқада қолгандай ҳис этасиз. Айниқса, ёшлар интернетда соатлаб ўйин ўйнамоқда. Аҳоли орасида айнан интернетдаги тотализатор ўйинига қизиқиш ортаётганини гап-сўзлардан ҳам англаш осон.

минга бор пуллари тикади. Ҳаттоки ҳовлисини ҳам сотиб, пуллари шунга тикади. Ўйин бошлангач, майдонга ўйинчиларни у тахмин қилган ҳакам эмас, бошқа ҳакам олиб чиқади. Энди йигитнинг аҳволини тасаввур қилаверинг.

Тарихга назар ташласак, Европада дастлаб отлар пойгасига пул тикиш бошланган. Лекин бугунги кунга келиб, деярли барча спорт турларида тотализатор ўйналади. Ўз ўзидан маълумки, тотализатор ўйини қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг

«Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (16.08.2007 йилдаги 176-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига (14.09.2007 йилдаги ЎРҚ-109-сон) мувофиқ, мамлакатимизда бундай ўйинларни ўйнаш тақиқланган.

Тўғри, қонунчилигимизда тақиқ бор, лекин интернетдан фойдаланиш учун чеклов ёки тақиқ йўқ-да. Демак, истаган одам интернет орқали бу ўйинни ўйнаши мумкин. Ачинарлиси, ҳозирги кунда бундайлар сони кўпайиб бормоқда. Осон пул топишнинг нимаси ёмон дерсиз. Бор-будингиздан осонгина айрилсангиз нима қиласиз? Тотализаторга пулларимни қайтариб беринг,

Замонавий қимор ўйини тобора ёшларимиз онгини заҳарламақда. Ўзингиз ҳулоса чиқаринг. Сиз катта таваккалчиликка асосланган қимор ўйинини маъқул кўрасизми?

ЎЗА materiali.asosida.

деб айтасизми? Бунинг орқасидан қанча одам манфаатдор эканидан хабарингиз йўқ. Тўғри, икки-уч марта тахминингиз тўғри чиқар, аммо кўза кунда эмас, кунда синади.

Авваллари эътибор бермас эдим, аммо кўпчилик замонавий телефон ишлатадиган танишларим кўпдан бери рус калларари томонидан реклама қилинадиган тотализатор компаниялари орқали замонавий қиморга аралашиб қолишган. Улар ўйиннинг ҳар бир детали учун пул тикишмоқда. Олдин кичик миқдордаги пул тикилади. Бора-бора сумма кўпаяди, қизиқиш ортади. Шундай бўлдики, бир кун келиб боридадан айрилади.

Мисол учун, бир танишимнинг сўзларига кўра, унинг хоразмлик курсдоши тотализатор ўйинига муккасидан кетган. Ўйидан жўнатилган шартнома пулини ўқишига тўламасдан, (тахминан 7,5 млн сўм) электрон пулга алмаштирган ва ҳаммасини битта ўйинга тиккан. Тахмини нотўғри чиққан ва ҳамма пули қуйган. Табиийки, шартнома пулини вақтида тўламаган. Натижада бир йилга ўқишдан академик таътил олишга мажбур бўлган. Бунга ҳодисалар кўп учирамоқда. Баъзилар бировдан 10 кун ичида 20 фоиз ортиги билан қайтариш шарти билан қарз олиб, ҳамма пулини тотализаторда ютқазмоқда.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ННТлар ўртасида энг яхши социал лойиҳа танлови қандай ўтказилади

Вазирлар Маҳкамасининг 22.02.2018 йилдаги 135-сон қарори билан Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар – давлат тошхирига кўра социал ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳалар. Улар танлов яқунларига кўра давлат бошқаруви

органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари (бундан кейин – ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Танловда барча ННТлар иштирок этишлари мумкин, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар бундан мустасно.

Давлат ижтимоий буюртмаси қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- таълим, илм-фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида муайян натижага эришиш;
- аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- ёшлар сиёсати ва болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, болалар ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш;
- аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш;
- тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш.

Энг яхши социал лойиҳа танлови ўтказилиши ҳақидаги ахборот у ўтказилишидан 30 кун олдин электрон ОАВда, шунингдек буюртмачилар – давлат бошқаруви органларининг расмий сайтларида жойлаштирилади.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

ХУМШ, бошқарувчи компания, ўзини ўзи бошқариш: уй рисоладагидек фаолият кўрсатиши учун шакли унда яшовчиларнинг ўзи танлайди

7-8-БЕТЛАР

Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг нозик жиҳатлари

ННТлар ўртасида энг яхши социал лойиҳа танлови қандай ўтказилади



Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирганлар давлат бошқаруви органи жамоатчилик кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- белгиланган шаклдаги танловда иштирок этиш ҳақида ариза;
- давлат ижтимоий буюртмасини бажаришнинг батафсил таснифи;
- ННТ давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

- қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида солиқ органининг маълумотномаси;
- махсус рухсатнома (лицензия) нусхаси, агар давлат ижтимоий буюртмаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун улар талаб этилса.

Танлов ғолиблари давлат бошқаруви органи жамоатчилик кенгаши томонидан тақдим этилган лойиҳаларни қўриб чиқиш ва уларни махсус балл қўйиш методикаси бўйича баҳолаш натижаларига қўра аниқланади.

Бунда қуйидаги кўрсаткичлар баҳолаш мезонлари

ҳисобланади:

- буюртмачи томонидан қўйилган мақсадларга эришишнинг йўналтирилганлиги;
- тақдим қилинган лойиҳанинг самарадорлиги;
- лойиҳани амалга оширишда ҳақ билан мулоқот даражасини кучайтириши;
- лойиҳанинг аниқ ва батафсил ёритилганлиги;
- харажат ажратилаётган маблағлардан ошиб кетмаслиги;

➢ танлов иштирокчисининг қобилияти. Буюртмачи ғолиб деб топилган ташкилот билан лойиҳани амалга ошириш шартномасини тузади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 23.02.2018 йилдан кучга кирди.

Давлат хизматлари ягона реестри тасдиқланди

Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қарори (АВ томонидан 28.02.2018 йилда 2976-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат хизматлари ягона реестри тасдиқланди.

Эслатиб ўтамоқчи, Президентнинг 12.12.2017 йилдаги ПФ-5278-сон Фармонида мувофиқ, 1.01.2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатган «ягона дарча» марказлари Давлат хизматлари марказларига ўзгартирилган. Эндиликда Марказлар

бизнесга ҳам, фуқароларга ҳам қўмак бермоқда. Улар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари Ягона реестрда келтирилган бўлиши шарт.

Реестр 444 та давлат хизматини ўз ичига олган. Ушбу хизматларни қандай органлар кўрсатиши, ким-

лар хизматдан фойдаланиши мумкинлиги (юридик / жисмоний шахслар), мурожаат қилиш тартиби қандайлиги (анъанавий / электрон шаклда), ҳақ тўлаш керак ёки керак эмаслиги, шунингдек якунида бериладиган ҳужжат кўрсатилган.

Бу – муҳим! 1 июндан бошлаб реестрда киритилмаган давлат хизматлари кўрсатилмайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.03.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, Самир Латипов, «Norma» экспертларимиз.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Хўжалик юритувчи субъектлардаги текширувлар – таваккалчилик таҳлили асосида

Президент Фармони лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ва бизнес юритиш шароитларини яхшилашга доир чора-тадбирлар таклиф этилган. Ҳужжат ҚХТБТ порталида муҳокама қилинмоқда.

Назорат қилиш ваколатлари фуқаролик жамиятига берилади

Ҳужжатда назорат қилувчи органларнинг айрим функцияларини фуқаролик жамияти институтларига ва давлат бошқаруви органларига топшириш режалаштирилмоқда. Бунда фаолият юритаётган назорат қилувчи органларнинг баъзи назорат механизмлари сақланади.

Нazorат қилиш функциялари	Нazorат қилувчи орган	Нazorат қилиш функциялари топширилаётган фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқаруви органлари	Фаолият юритаётган назорат қилувчи органда сақланадиган назорат механизми
Хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишларини текшириш	Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги*	Профилактика ишлари
Савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш	Давлат солиқ қўмитаси	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги*	Профилактика ишлари
Қўчмас мулкни ёнғиндан сугурталаш шартномаларини тузган тадбиркорлик субъектларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этишларини текшириш	ИИБ Ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати	Сугурта ташкилотлари	1) Профилактика ишлари; 2) Қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилишда қатнашиш
Туроператорлик фаолияти ва меҳмонхона хўжаликлари соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини текшириш	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси ва туризм соҳасидаги бошқа жамоат бирлашмалари	1) Профилактика ишлари; 2) Туризм соҳасидаги хизматларни сертификатлаш
Матбаа фаолияти соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини текшириш	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги*	1) Профилактика ишлари; 2) Қурилиш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилишда қатнашиш
Хўжалик юритувчи субъектларни лицензия талаблари ва шартларини бажариши юзасидан текшириш	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментлари	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	1) Профилактика ишлари; 2) Агентлик томонидан йўловчи транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида ишловчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қонунчилик талабларига риоя этишлари юзасидан назорат қилиш

*Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилиши лойиҳада назарда тутилган.

Текширишлар тартибидаги ўзгартиришлар

Назорат қилувчи органлар ва уларнинг назорат қилиш функциялари ягона рўйхати жорий этилади. Ягона рўйхатга киритилмаган йўналишлар бўйича тадбиркорлик субъектларида текширувларни бошлаш ва ўтказиш тақиқланади.

Бундан ташқари, назорат қилувчи органларга «таваккалчилик таҳлили» тизимини жорий этиш мажбурияти юкланади. У келгуси йилги текширишлар режа-жадвалига тадбиркорлик субъектларини асосли равишда киритиш учун уларнинг фаолият турларини таваккалчилик тоифалари бўйича тақсимлашни назарда тутади. Таваккалчиликнинг қуйи тоифасига мувофиқ келувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширувдан ўтказиш амалиётини бекор қилиш режалаштирилмоқда.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Norma» эксперти.

УШБУ СОНДА

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

- Мўмай пул топаман, деб борингиздан айрилманг
- Янгича газ берамиз

1, 7-8-бетлар

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

- Хўжалик юритувчи субъектлардаги текширувлар – таваккалчилик таҳлили асосида

2-бет

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Қарздорларнинг иродаси синалаган бўлди
- Уйни ХУМШСиз бошқариш мумкин
- Бевоқиф бошқармоқчимиз – ҳужжатларга кўз югуртириш

- Ўзини ўзи бошқарувчиларни қабул қиласизми?
- Уйни ХУМШСиз бошқаришнинг ижобий ва салбий томонлари

5-6-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йул қўйилади.

БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Маърифий мавзудаги тўплам*

МУНДАРИЖА:

- ✓ Қарздорларнинг иродаси синаладиган бўлди
- ✓ Уйни ХУМШсиз бошқариш мумкин
- ✓ Бевосита бошқармоқчимисиз – ҳужжатларга кўз югуртиринг
- ✓ Ўзини ўзи бошқарувчиларни қабул қиласизми?
- ✓ Уйни ХУМШсиз бошқаришнинг ижобий ва салбий томонлари



Долзарб мавзу

Қарздорларнинг иродаси синаладиган бўлди

2018 йил 1 март коммунал хизматлар истеъмолчиларининг бирдамлик кунига айланадиган кўринади. Президентнинг 15.02.2018 йилдаги ПФ-5343-сон Фармони билан шу кундан бошлаб битта уйда пропискadan ўтган вояга етган жисмоний шахсларнинг энергия ресурслари (газ, электр энергияси), сув таъминоти ва оқава сув ҳақини тўлаш мажбуриятлари бўйича солидар жавобгарлиги жорий этилмоқда. Яъни энди қарз квартира эгасидангина эмас, балки унда пропискadan ўтган барча фуқаролардан ундирила бошлайди.

Ҳужжат билан Мажбурий ижро бюросига истеъмолчиларга етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорлиқни истеъмолчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатадиган банкдаги счётлардан ҳар ойда сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилди. Ҳисобдан чиқариладиган энг юқори сумма ЭКИХнинг 2 баравари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 майдан бошлаб, шу жумладан истеъмол қилинган энергия ресурслари, сув таъминоти ва оқава сув хизматлари, шунингдек ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг очиқ маълумотлар базаси ишлай бошлайди. Унга киритилган қарздорлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг йирик битимлар тузиши, айрим тур-

даги молия-кредит хизматлари, халқаро йўловчи ташиш хизматлари, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиши тақиқлаб қўйилди.

Бу чоралар қатъийлиги боис кўп фикр ва талқинларни юзага келтирди. Истеъмол қилинган энергия ресурслари учун дебиторлиқ қарзини йўқотиш зарурати туфайли ана шундай йўл тутишга тўғри келди. Шубҳасиз, ҳар ким коммунал маҳсулотлар ҳақини тўлаши, тўламайдиганлар эса бунинг учун сўзсиз жавобгарликка тортилиши шарт. Қарздорлик УКХ соҳаларига катта талафот етказди, пировард натижада эса ҳар биримизга дахл этади. Оқибатда тарифлар ошади, биз ўзимиз ва қарздорлар учун тўлашга мажбур бўламиз. Янги ҳужжат ўз вақтида

*Тахририят ихтилофили вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



чиқарилди, бироқ тушунтириш ва келгусида ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш керак бўлган кўплаб саволларни юзага келтиради.

Сохта қарз ҳисобладими? Шунча тўласин

Ассосиз қарзлар ҳисобланиши муаммоси шу кунгача долзарблигини йўқотмапти. Баъзан истеъмолчиларга сохта қарз қаердан олинганлигини тушунтириб бера олмайдилар. Натижада инсофли тўловчилар қарзлари йўқлигини исботлашига, кимнингдир масъулиятсизлиги туфайли вақтини, асабини кетказишига тўғри келади. Аниқ, узилтишларсиз ва беҳато ишлайдиган **ишончли абонентлик базаси**, энергия ресурслари истеъмоли ҳисобини юритувчи тақомиллаштирилган дастур жорий этилаётган янги механизмга мувофиқ бўлиши лозим. Электрон ҳисоб юритиш тизимини билимли, виждонли, махсус таълим олган ходимлар бошқариши даркор. Ҳисоблагичнинг бошқа кўрсаткичларини олиб, бошқа рақамни қайд этиб, маълумотларни бошқа сатрга ёзиб, тизим тўхтаб қолиб, қарабсизки: «Бир миллион сўм тўлашингиз керак» деб сохта, ассосиз қарзни «илиб» кўядиган бўлмасинлар. Бировнинг хатоси сабабли истеъмолчиларни пул тўлашга мажбур қиладиган инспекторлар масъулиятсизлиги учун қатъий жавобгарликка тортилиши шарт.

Сохта эмас, балки реал қарздорлик мавжуд бўлганда тўламайдиганларга нисбатан қатъий таъсир чоралари қўрилиши зарур. Ҳужжат билан белгиланган механизм ишончлилиги шубҳа туғдирмайдиган асосга таяниши керак. Бошқача айтганда, гуруччини гуручга, курмагини курмакка ажратиш лозим. Акс ҳолда энергия ресурслари ҳақини тўлаш учун солидар жавобгарликда ва қарздорларнинг ҳаракатларидаги ҳужжат билан белгиланган чекловларда охири кўринмайдиган низо ва келишмовчиликлар юзага келиши мумкин.

Ҳақиқатта мос келмайдиган қарзлар шаклланишига бир неча йил аввал содир этилган ишлар сабабчи бўлганлигини эслатиб ўтайлик. Энергия таъминоти корхоналарининг собиқ ходимлари маълумотлар базасига кириб, мавжуд бўлган қарзларни қўшиб ёзганлар. Бунга муносиб баҳо берилди, қонунбузарлар жазосини олди. База тартибга келтирилишининг эса охири кўринмайдиган. Буни фақат солиштириш йўли билан амалга ошириш мумкин. Истеъмолчилардан сабр қилишларини сўраб, етказилаётган ноқулайлик учун узр сўрашлари ва бугунгидек асаббузарликларсиз солиштириш механизмининг назарда тутишлари лозим эди. Собиқ коммуналчиларнинг қилишлари ва бугунгиларининг масъулиятсизлигидан фуқаролар азият чекмасликлари керак.

Назоратчилар ҳисоблагич кўрсаткичларини ўз вақтида олмасликлари сабабли ҳам мавжуд бўлмаган қарзлар юзага келиши мумкин. Ҳозир ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини назорат қилиш билан Бюро ходимлари шуғулланмоқдалар. Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида (ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қаро-



рига 1-илова) айланиб чиқиш даврийлиги белгиланмаган. Назоратчи ҳисоблагич кўрсаткичларини ўз вақтида олмаган ва базага киритмаган бўлса, дастурнинг ўзи электр энергиясини ўрта ҳисобдаги истеъмоли бўйича ҳисоблайди.

Мавжуд бўлмаган қарзлар масаласининг бир қисmini жойининг ўзида ҳал этиш мумкин эди. Масалан, истеъмолчи ҳақ тўлаш зарурлиги ҳақида кўрсатмани топираётганда у қайси давр учун ҳисобланганини қайд этиш орқали. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, икромчи истеъмолчиға ўзи реализация қилаётган хизматлар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Агар бу сохта қарз бўлса, Бюро ходимлари шу ернинг ўзида қарздорлик мавжуд эмаслигини тасдиқловчи далолатномани тузишлари ҳамда электрон ҳисоб юритиш базаси маълумотларидаги номувофиқлиқни тузатишлари, ушбу чорани кўрмаган бўлсалар, бунинг учун албатта жавоб беришлари шарт. Айни пайтда Бюро инспекторлари тасарруфда тўлов терминаллари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда етказиб берувчи ва Бюро энергия ресурслари ҳисоби юритиладиган абонентларнинг маълумотлар базасига кира олади. Истеъмолчи иккаловига ҳам муурожаат этиши мумкин. Низоли вазиятларда қарздорлик биргаликда инвентаризациядан ўтказилади. Етказиб берувчи Бюро ходимларининг имзоси ва ҳозирлигисиз базага ўзгартириш кирита олмайди. Яъни тўртта кўз қараб туради. У ҳолда нега вазият ўзгармапти? Чунки инсон омили кўп панд бермоқда. Агар у бошқа кишига қарши ишлаётган, бунинг оқибати салбий яқун топаётган бўлса, ана шу инсон омили устидан қатъий назорат ўрнатиш, ассосиз ҳисобланмалар учун кескин жавобгарлиқни жорий этиш лозим. **Қарзни хато равишда ҳисоблаган ходимдан худди шу сумма ундириб олинадиган бўлса-чи?** Ана шундагина ҳисоб юритишда жуда тез тартиб ўрнатилган бўлар эди.

Сувдаги ҳалқалардек

Янги механизм бирин-кетин саволларни туғдирмоқда. Бамисоли сувдаги ҳалқалардек, битта тўлқин иккинчиси, учинчисини юзага келтирганидек. Улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари спектрини қамраб олган. Саволлардан бири қарздорликнинг сўзсиз тартибда ундириб олиниши

билан боғлиқ. Қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз тартибда ундириб олиш – тарафлар ўртасида низо бўлмаган ҳолда ундириш демак. Тарафлардан бири унга қўйилган талаб ноқонуний деб ҳисобласа, бу низо мавжудлигини англатади. Бу ҳолда низо тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суд тартибига ҳал этилади. Бироқ қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан аввал истеъмољчини унинг мавжудлиги ва уни қоплаш зарурлиги ҳақида огоҳлантирадilar, айна пайтда шундай йўл тўғрисида: Бюро абонентга талабни ўз ихтиёри билан бажариши учун бериладиган муддатни қайд этган ҳолда кўрсатма жўнатмоқда (ҳозир бунга 5 кун берилмоқда). Истеъмољчи унинг юзасидан низолашмаса, қарздорлик мажбурий тартибда ундирилмоқда.

Бюронинг энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмољчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатадиган банкдаги сўтлардан ҳар ойда сўзсиз тартибда ундириб олиш ҳуқуқи истеъмољчиларни ташвишга солмоқда. Бунинг қанчалик қонуний эканлиги, асоссиз қарздорликда пластик картадан ечиб олинган маблағни қайтариш механизми қандай бўлиши уларни ташвишлантирмоқда. Уларнинг фикрича, «Уэр, хато қилибмиз» деб, пулни келгуси тўловлар ҳисобига ўтказиб юборадилар, вассалом.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддасида белгиланишича, шу жумладан истеъмољчиларни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш; **ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонунларга мувофиқ кўриладиган бошқа чоралар** мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади. Президентнинг 2018 йил 15 февралдаги Фармони билан ана шу «бошқа чоралар» белгиланди. Истеъмољчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатадиган банкдаги сўтлардан қарздорликнинг ҳисобдан чиқарилиши кўрсатилган Қонун нормаларига зид эмас. Илгари унда юридик шахсларнинг сўтларидан қарздорлик ҳисобдан чиқарилиши назарда тутилган эди. Энди ундирувнинг ушбу тартиби жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилди (етказиб берилган энергия ресурслари учун қарзларини иш ҳақидан ушлаб қолиш, мол-мулкни хатлаш сингари ва бошқа мажбурий ижро чоралари ҳам уларга нисбатан қўлланилмоқда). Яъни қуйидагича ёндашилмоқда: қарзингиз борми – тўлашга мажбурсиз. Бундан бош тортсангиз, кескин мажбурий ижро чоралари қўлланилади.

Қарздорлик турар жойнинг эгасидан эмас, балки шу манзилда пропискдан ўтган берадан ундирилиши билан боғлиқ солидар жавобгарлик ҳам қатор саволларни юзага келтирмоқда. Илгари пропискдан ўтган фуқаролар квартирада яшамаса, етказиб берувчиларга буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда улар қайта ҳисоб-китоб қилардилар. Энди бундай амалиётга чек қўйилди деб ҳисоблаш керакми? Бу фуқаронинг истеъмољ қилмаган хизмат (энергия ресурслари) ҳақини тўламаслик ҳуқуқи бузрилишига олиб келади.

Муҳим жиҳат: солидар жавобгар деганда яшовчилардан айнан қайсиниси назарда тутилади? Вақтинча пропискдан ўтганлар билан боғлиқ бир неча вазиятни

келтириб ўтадим. Масалан, квартирада яшамайдиган, бироқ пропискдан ўтган киши бошқа жойда (шаҳарда) вақтинча пропискдан ўтиб яшамокда. Уни ҳам доимий, ҳам вақтинча пропискдан ўтган жойидаги қарздорликни тўлаш бўйича солидар жавобгарликка тортишлари мумкинми? Яна бир томони. Квартира эгаси бир неча кишини вақтинча пропискдан ўтказиб, уни ижарага берди. Уй эгаси ижара шартномасида вақтинча пропискдан ўтганларга коммунал хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини юкламаган бўлса, улар энергия ресурслари ҳақини тўлаш бўйича солидар жавобгар бўладиларми? Ёки уй эгаси хорижга кетди, бу ерда эса вақтинча пропискдан ўтган кишидан уйни ижарага олишдан анча аввал юзага келган қарзни тўлашини талаб қилмоқдалар – уй эгаси ўрнига у тўлашга мажбуirmi?

Яна бир муҳим масала. Энергия ресурсларини етказиб берувчининг турар жой мулкдори билан тузган шартномаси. Яъни коммунал хизматлар ҳақи тўланиши учун шартномани имзолаган шахс жавобгар бўлади. Шартнома йўқми – жавобгарлик ҳам мавжуд эмас. Солидар жавобгарлик жорий этилса, пропискдан ўтганларнинг ҳаммаси билан шартнома тузиш керак бўладими? Улар вақтинча пропискдан ўтган ёки квартира эгасининг қариндоши бўлмаган шахслар бўлса-чи? Чет шахслар учун солидар жавобгарлик юзасидан мажбуриятларни юзага келтириш мумкинми? Ҳужжатда электр, газ, сув таъминоти ва оқова сув хизматлари кўрсатиш шартномаларига ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилган. Бу масалалар ечимини топишига умид билдиримиз.

Тўғри, қарздорларнинг бир қатор ҳаракатлари таққиланиши ҳам истеъмољчиларни ташвишга солмоқда. Бу ўша мавжуд бўлмаган қарздорлик билан боғлиқ. Масалан, сохта қарз тўғрисида қўлида чиптаси бўлган фуқаронинг аэропортдан учиб кетишига йўл қўймадилар. У амалий учрашувга етиб бормагани, контрактни имзоламагани учун моддий зарар кўради. Сафари қолдирилгани учун чиптани қайтариб бераётганларида унга етказилган моддий ва маънавий зарар ўрнини ким қоплаб беради, бунинг учун ким жавобгар бўлади? Ҳақиқатан қарзи борлар учун аэропортларда, темир йўл вокзалларида қарзни қоплаш имкониятини назарда тутган маъқулдир?

Яна саволлар бор. Қарздорларнинг қандай йирик битимлар тузиши, молия-кредит ва давлат хизматларидан фойдаланишига таъқиқ белгиланади? Ушбу тартибни амалга ошириш механизми қандай бўлади? Буни нафақат фуқароларга тушунтириш, балки инспекторлар учун йўриқномадан ишлаб чиқиш зарур.

Ҳужжатда назарда тутилишича, бу масалалар 2 ой давомида тартибга солиниши керак. Бир қатор давлат органлари раҳбарларига уларни ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқиш вазифаси топширилган. 1 майдан бошлаб қарздорларнинг очик маълумотлар базаси ишлаб бошлайди. Демак, фуқаролар учун ҳам қарзлари бор-йўқлиги ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш имкони яратилади. Булар ҳаққоний маълумотлар бўлишига умид қилиб қоламиз.



Уйни бошқариш усуллари танлаймиз

Уйни ХУМШсиз бошқариш мумкин

Тошкентдаги 100 дан ортиқ кўп қаватли уй ахли уларни ХУМШсиз бошқаради. Фуқаролик ва Уй-жой кодекслари билан ана шундай имконият берилган. Турар жой мулкдорлари кам бўлган уйларда ушбу вариант ўзини оқлайди. Зеро мулкдорларнинг ширкатлари ташкил этмай, уй хўжалигини бевоқифа бошқаришида қарорлар қабул қилиш учун 100% овоз талаб этилади. Уларни тўплаш осон эмас. Катта бўлмаган уйда бунга эришиш осонроқ.

Одатда уй ахли ХУМШ ишидан қониқмаганлиги туфайли ундан воз кечишга қарор қилади. Ширкатдаги уйлар муаммага ботиб, таъмирталаб бўлиб қолганда, раҳбарлар аҳолига шерикдек муносабатда бўлмай, кўп қаватли уйларни нормал сақлаш ҳақида эмас, балки чўнтақларини қаппайтиришни уйлаганларида, ХУМШ аъзоларининг бадаллари қаергадир йўқолиб, ширкатда мулкдорлар эмас, балки раҳбарият бош роль уйнаганида шу ҳодиса рўй беради. Бу аҳолининг норозилигини туғдириши табиий.

Ўз-ўзини бошқариш йўлини илк бор танлаганлар ўта таваккалчи одамлар бўлса керак. Юридик шахсни ташкил этмасдан кўп квартирали уйни (ККУ) бевоқифа бошқариш усули қонунчилик билан етарли тартибга солинмагани уларни тўхтатиб қола олмаган. У ҳозир ҳам деярли ўша даражада. Етакчилар синовлардан ўтиб, хато қилиб, тажриба орттирганлар, жавобдан кўра саволлар кўп бўлган. Тажриба, йўлга қўйилган амалиёт бўлмаган. Энг асосийси – мамлакатимизда турар жой фондиди бошқаришда ХУМШ афзал кўрилган ва шундай бўлиб қолмоқда. Демак, умумқабул қилинган ширкатлаштиришга қайтариш мақсадида ўз-ўзини бошқарувчиларга босим ўтказиш эҳтимоли оз эмас.

Ҳамма янгиликлар билан бўлганидек, уларни ХУМШсиз бошқариш варианты ҳам ўз ўрнини топиши қийин кечган. Турар жой фонди кураторлари тимсолида унга қаршилиқ билдирувчилар «Мумкин эмас» қабилида йўл тутиб, ҳуқуқий жиҳатдан саводсизликларини намоён этдилар. Ўзини ўзи бошқарувчилар ККУни ХУМШ ёрдамида бошқариш ҳақидаги умумқабул қилинган тасаввур доирасидан чиқар эди. Шу сабабли амалдорлар учун доради вариант тушунарсиз ва номақбул бўлган. Уларга раҳбарлик қилиш, бошқаришнинг уйдасидан чиқмаганлар. Айрим ўзини ўзи бошқарувчилар босимга чидай олмай, ортага қайтиб, ширкатлар тузган ҳоллар ҳам бўлган. Бошқаруви эса, аксинча, ўз ҳуқуқлари учун курашда чиниқиб, қонунчилик асосида тажриба орттирдилар.

Кейинги пайтда амалдорларда уларни бўйсундириш ис-

таги анча камайди. Амалиётнинг кўрсатишича, ширкатсиз уйлардаги мулкдорлар жамоаси чидамлироқ бўлиб чиқмоқда. Бугун улар қай мақсадни кўзлаб бораётганларини яхши биладилар, ўз ҳуқуқларини ҳимоялашга тайёрлар. Оғиздан-оғизга ўтаётган гаплардан муваффақиятли амалиётларни эшитиш мумкин. Қонунчиликда тартибга солинмаган масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда. Яна бир ўта муҳим жиҳат, ўзини ўзи бошқарувчилар уйларга яхши хизмат кўрсатмаётганлиги учун турли идоралар устидан кам шикоят қиладилар, ХУМШ аъзолари ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Бу эса ширкатнинг муқобили фойдасига хизмат қилувчи кўрсаткичлардан бири саналади.

Коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзини ўзи бошқарувчиларнинг позициясини бирмунча мустаҳкамлади. Кўп квартирали турар жой фонди сақланишини такомиллаштиришга доир қонун лойиҳаларида ККУни бошқаришнинг бундай варианты тўлиқ тартибга солинишига умид билдириб қоламиз.

Шуни қайд этиш лозимки, ушбу вариантнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд, уни қомил даражада деб бўлмайди. Ширкатда бўлгани каби, бу ерда ҳам мулкдорларнинг инсофсиз вакили, ноаҳил қўшилар, тўлов тўламаслик ва шу сингари ҳолатлар учраши мумкин. Демак, бу соҳада ҳам кўп нарса уй аҳлига боғлиқ экан.

Юридик шахс ташкил этилмаган кўп квартирали уйларда уй хўжалигини бошқаришга доир кўп масалаларни фуқаролар ХУМШда бўлганидек ҳал қиладилар. Тажриба алмашиш, муаммоларни ҳал қилиш, қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этишда кўмаклашиш мақсадида ўзини ўзи бошқарувчиларнинг жамоат ташкилотига бирлашишлари лозимлиги ҳақида фикр билдирмоқдалар. Уларнинг аксарияти уй хўжалигини ўз кўчи билан бошқармоқда. Бироқ пойтахтда уларнинг профессионал бошқарувчи компанияларга (БК) хизматларни бюртириш амалиёти мавжуд. Ушбу мавзувий сонда ана шундай тажриба ҳақида сўз юритамиз.



Бевосита бошқармоқчимисиз – ҳужжатларга кўз югуртиринг

Агар уйда ширкат ташкил этилмаган бўлса, мулкдорлар ўртасидаги муносабатлар Фуқаролик кодекси (219-модда) ва Уй-жой кодекси (127-модда) нормалари билан тартибга солинади: улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади, бундай келишувга эришилмаган тақдирда, суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Уй-жой кодекси уйни ХУМШни ташкил этмаган ҳолда бевосита бошқариш билан боғлиқ бир қатор масалаларни батафсил тартибга солади. Бевосита бошқарганда мулкдорларнинг коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларини Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова) ҳамда Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари (ВМнинг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарорига 1-илова) аниқлаштиради.

ЎЗРнинг Уй-жой кодекси

- Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларда турар жойлар мулкдорлари билан мажбурий тартибда тузиладиган шартнома асосида иштирок этадилар (132-модда).

- Хусусий уй-жой фондиди бошқариш бевосита турар жойлар мулкдорлари, ширкат, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулда амалга оширилиши мумкин.

Кўп квартирали уй турар жойлар мулкдорлари томонидан бевосита бошқарилганда шу уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ёки уни таъмирлаш ишларини бажариш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномалари турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарорлари асосида тузилади. Бунда учинчи шахслар билан муносабатларда турар жойлар мулкдорлари номидан турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан вакил қилинган турар жойлар мулкдорларидан бири ёки бир нечтаси иш кўришга ҳақлидир.

Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйни бошқариш бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилиши мумкин (138-модда).

- Бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот, бир томондан, ва уй-жой фонди мулкдори ёки ширкат, агар ширкат ташкил этилмаган бўлса, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари, иккинчи томондан, уй-жой фондиди бошқариш шартномасининг тарафларидир (139-модда).



Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари

- Кўп хонадонли уй-жойларни бевосита бошқарганда уй-жой эгаларининг умумий йиғилиши билан вакил қилинган уй-жойларнинг эгалари уйнинг умумий эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар қилиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан электр таъминоти шартномаси тузиш ҳуқуқига эга.

Бунда уй-жой мулкдорлари умумий йиғилиши билан вакил қилинган бир ёки бир неча уй-жой мулкдори ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан муносабатларда уй-жой мулкдорлари номидан ҳаракат қилишга ҳақлидир (90-банд).

Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари

- Кўп квартирали уйда хоналар мулкдорларининг умумий мулки таркибига кирувчи уй ичидаги иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларининг тайёрлигини таъминлаш ижро этувчига ёки кўп квартирали уйда хоналарнинг мулкдорларига (ушбу уй бевосита бошқарилган тақдирда) юкланади (10-банд).

- Қоидалар, шу жумладан, ХУМШ ташкил этилмаган кўп квартирали уйлардаги хоналарнинг мулкдорлари учун уй бўйича умумий ҳисобга олиш асбоблари шикастланганлиги ҳолати аниқланганда ёки уларнинг кўрсаткичлари тўғрилиги шубҳа пайдо бўлганда тартибларни белгилайди (45-46-бандлар).

Ўзини ўзи бошқарувчиларни қабул қиласизми?

Пойтахтдаги Чилонзор туманининг 1-мавзесида фаолият юритувчи «Шинам-Сервис-Плюс» МЧЖ бошқарувчи компанияси (бундан кейин – БК) ХУМШ ташкил этилмаган 9 та уйга хизмат кўрсатади. Улар орасида битта 5 қаватли уй бор, қолганлари 4 қаватли (369 та турар жой ва 31 та нотурар жойдан иборат). Бундан ташқари, БК 6 та ширкатни бошқаради. Компания бошқарувида жами 31 та кўп квартирали уй мавжуд.

Уй аҳли ширкат тузишни истамаган дастлабки 6 та уйга БК 2008 йилдан тўлиқ хизмат кўрсата бошлади. Барчага таниш вазият уларни шундай қилишга мажбур этди. Илгари ҳаммаларини бирлаштирган катта ХУМШ самарали бошқарувни таъминлай олмади. Натижада шикоятлар, ихтилофлар, тўловларни тўламаслик авж олди.

Ширкат 2 та алоҳида ширкатга бўлинди. Биринчисида ишлар аста-секин йўлга қўйила бошлади. 6 та уйдан иборат бўлган иккинчи ширкатда эса иш юришмади. Ҳеч ким раисликини қўлга олиш истагини билдирмади. Ҳисоб-китоб счёти очилмади. Нима қилиш, қаерга тўлаш, уйларга қандай хизмат кўрсатиш кераклигини ҳеч ким билмас эди. Авария ҳолатларида уй аҳли бошқарув компаниясига ёки қўшни ширкатга чопар эди.

Бундай давом этиши мумкин эмасди. Бу уйларнинг техник ҳолати ёмонлашиб борарди. БК директори Тамара Ҳамидова уй аҳлига ўз мақомларини белгилаб олишни таклиф қилди. Улар ХУМШ тузишлари ёхуд ширкат тузмасдан уйни бошқаришлари мумкинлигини тушунтирди. Ҳар бир бошқарув усулининг ижобий ва салбий томонларини кўрсатди. Уй аҳли ХУМШ тузмаслик вариантини танлади. Бошқарув, жорий хизмат кўрсатиш, таъмирлаш билан шугулланмаслик учун бу вазифани БКга топширишга қарор қилдилар. «Шинам-Сервис-Плюс» кейинчалик яна 3 та ширкат тузилмаган уйга тўлиқ хизмат кўрсата бошлади.

Ишни нимадан бошлаш керак?

– Авваламбор уйларни ширкатсиз бевосита бошқаришга ўтиш тўғрисидаги қарорни турар жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг баённомаси билан мустаҳкамлаб олиш керак эди, – дейди Тамара Ҳамидова. – ХУМШда қарор қабул қилиш учун овозларнинг 50% талаб этилса, ўзини ўзи бошқарувчилар учун 100% бўлиши талаб қилинади. Бу ушбу йўлни танлаганларни фикр юритишга ва ширкатдан воз кечиш имкониятларини чамалаб кўришга

мажбур қилувчи омил. Ҳар бир уй аҳли умумий йиғилиш ўтказиб, уйларни ўзлари, юридик шахс ташкил этмасдан бошқаришлари ҳақида қарор қабул қилди. Ҳар бир уйда учинчи шахслар билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи мулкдорлар жамоаси вакиллари сайланди. Умумий йиғилиш баённомаларида уйларни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш функциялари шартномалар асосида бошқарувчи компанияга топширилишини қайд этдилар. Ваколатли шахсга мулкдорлар номидан шартномаларни имзолаш ҳуқуқини бердилар. Ҳар бир уйнинг умумий йиғилиш қарорларини уй мулкдорларининг 100%и имзолади.

Сўнгра ҳар бир уй мулкдорларининг вакили БК билан умумий мулк ва туташ ҳудудни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш шартномасини тузди. Шу пайтгача ушбу уй аҳли кимга тегишли эканликларини билмас эди. Уларнинг айримлари илгари аъзо бўлган ширкатга бадал тўлар эди. Бошқалар эса бу масала билан қизиқиб ҳам кўрмаган. Бошқарувчилар вазиятни тартибга солишга киришдилар. ХУМШдаги умумий йиғилишлар баённомаларини топширдилар, мулкдорлар тақдим этган қвитанциялар асосида тўлаган бадалларни солиштириш далолатномаларини туздилар.

Илк босқичда бундай уйлар юзасидан қандайдир ишларни режалаштириш мушкул бўлди. БК орқага суриб бўлмайдиган ишларни бажарди. Уй аҳлида уларни бажариш учун ҳали етарли маблағ йўқ эди. Ишлар қарзга, бошқа уйлардаги мулкдорлар бадалларини қайта тақсимлаш ҳисобига бажарилди. Битта кўп қаватли уйда 2013 йил 1 январга келиб мажбурий бадаллар бўйича қарз 4 млн 862 минг сўмни ташкил этган, унда 7 млн 690 минг сўмлик ишлар бажарилган эди. Бошқарувчилар кўрсатилган



Тамара Ҳамидова, «Шинам-Сервис-Плюс» БК директори.

хизматлар натижалари бўйича далолатномалар тузишар, уларга материалларнинг чеклари илова қилинар, кўрсатилган хизматлар қиймати қайд этиларди.

Бошқарувчилар билан иш юритиш осонроқ

ХУМШ ташкил этилмаган уйларда 31 та нотурар жой мавжуд. Улардан ҳар бирининг эгаси БК билан умумий мулкка хизмат кўрсатиш шартномасини тузади. Турар ва нотурар жойлар мулкдорларининг бадаллари бошқарувчи компаниянинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Ҳар бир уй, ҳар битта квартира бўйича ҳисоб юритилади. Мулкдорлар бошқарувчилар берган квитанциялар бўйича банкка нақд ёки нақдсиз кўринишда ҳақ тўлайдилар. Уй аҳли учун турли идораларга маълумотномаларни ҳам бошқарувчи компания беради.

2018 йилда ХУМШсиз уйлардаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мулкни сақлашга мажбурий бадаллари 1 м² майдон учун 700 сўмни ташкил этади. Бугунги кунда уларнинг техник ҳолати деярли бир хил. Ушбу кўп қаватли уйлардаги нотурар жойлар мулкдорлари учун бадал, умумий мулк ва туташ ҳудудга юкламаларидан келиб чиқиб, 1 м² учун 700 сўмдан 1 200 сўмгача этиб белгиланган. БК хизматлари қиймати ҳар бир уй мулкдорлари ойлик ҳисобланмаларининг 40%ини ташкил этади. Бадаллар кўп қаватли уйни сақлаш учун режалаштирилаётган харажатлар асосида ҳисобланиб, уйларнинг вакилларига топширилади. Улар ўз навбатида ушбу ахборотни квартиралар мулкдорлари эътиборига етказадилар, улар бадал миқдори ҳамда бошқарувчилар ишлаб чиққан ишлар режалари, даромадлар ва харажатлар сметалари лойиҳаларини тасдиқлайдилар. Баъзан мулкдорлар қандайдир ишларни чиқариб ташлайдилар ёки, аксинча, уларни режага киритадилар. Масалан, қўшниларида пластик ромлар ўрнатилди, бошқа уй аҳли ҳам худди шуни истайди.

Бундай уйларда бадаллар 90% йигилиши таъминланади. Бу яхши кўрсаткич. Мулкдорлар иш бажарилаётгани, уйлар тартибга келтирилаётганлиги гувоҳи бўлсалар, бажонидил ҳақ тўлайдилар. Инсон омили катта аҳамият-

га эга. БК директори Тамара Ҳамидова 12 йилдан буён уй-жой соҳасида ишлайди. Ушбу зич жойлашган уйларда 35 йилдан бери яшайди. Четдан келмаган, ўзиникидек бўлиб қолган. Улар бир-бирларини яхши танийдилар. Бу ўзаро ишончни таъминлайди, тўлов интизомини оширади.

Бошқарувчилар ХУМШсиз уйни бошқариш механизми йўлга қўйилмаганлиги боис мажбурий бадаллар бўйича қарзларни сўз тартибда ундириш амалиётини қўлламайдилар. Шу сабабли қарздорлар рўйхатини ваколатли шахсларга берадилар, улар жамоатчилик таъсири ёрдамида тўламайдиганлар билан иш олиб борадилар. Бироқ мулкдорлар БКга айрим квартира эгаларининг қарзини суд тартибда ундириб олиш ҳуқуқини беришлари ҳақидаги бандни шартномага киритиш мумкин. ХУМШсиз уйларга хизмат кўрсатувчи бошқа бошқарувчи компанияда ана шундай амалиёт қўлланилади. Ҳар бир уйни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш шартномалари ҳар йили тузилади. Илгари БК йилда 1 марта бажарилган ишлар ҳақида ҳисобот берар эди. 2018 йилдан бошлаб буни ҳар чорақда қилишни кўзда тутилади.

Тамара Ҳамидованинг сўзларига қараганда, бугунги кунда бу уйларнинг техник ҳолати нормал даражада. Асосан жорий хизмат кўрсатилмоқда. Ҳеч ким сугурталанмаган, кутилмаган вазиятлар юзага келиши мумкин. Том шифер билан қопланган, бироқ сифати яхши, ҳеч қаерда чакка ўтмаяпти. Ертўлалар қуруқ, бироқ қувурлар пластик эмас, металлдан. Барча уйларнинг йўлакларидида пластик ромлар ўрнатилган. Тарновлар таъмирланган, йўлаклар вақти-вақти билан тартибга келтирилади, ҳудуднинг бир қисми асфальтланган. Бу йил 3 та уйга кираверишдаги соябонларни таъмирлаш, видеокузатув камераларини ўрнатиш, ҳудудни асфальтлашни якунлашни режалаштирганмиз. Тўғри, ўз маблағларимиз ҳисобига замонавий материаллардан фойдаланиб таъмирлашга пул тўплаш мушкул. Банк бошқарувчи компанияга ХУМШсиз уйлар учун кредит беришни рад этди.

Бироқ Тошкентда БК хизмат кўрсатувчи бундай уйлар учун кредит олиш амалиёти мавжуд. Бу ҳақда келгуси мавзувий сонимизда сўз юритамиз.

Уйни ХУМШсиз бошқаришнинг ижобий ва салбий томонлари

Уйни ХУМШсиз бошқаришнинг 2 та вариантини кўриб чиқамиз.



1-ВАРИАНТ.

Уйда ўзини ўзи бошқариш тартиби ўрнатилган (бошқарувчи компания билан шартнома йўқ)

Ижобий томонлари:

1. Нақд пулни эркин тасарруф этиш имконияти.
2. Маблағ тежалиши (нақд пулга материаллар сотиб олиш, авария ҳолатларининг тезкор олдини олиш арзон-

га тушади; ширкатлар фойдаланиши чекланган депозит счётида пул қадрсизланмайди; банк касса операциялари учун фойз олмайди).

3. Турли идораларга ҳисобот топширилмайди.

4. Умумий мулкни бошқаришга ҳар хил идоралар камроқ аралашади.

Салбий томонлари:

1. Ўзини ўзи бошқарувчилар учун қонун ҳужжатлари ХУМШдаги сингари батафсил ишлаб чиқилмаган.

2. Қарорлар қабул қилиш учун мулкдорлар 100% овоз бериши талаб этилади. Бунга эришилмаганда эса – суд томонидан белгиланган тартибда.

Квартираларнинг 20%и бўш ётганлиги сабабли уй ахли қарорлар 100 фоиз билан қабул қилинишини таъминлай олмаган вазиятлар мавжуд. Уй кенгаши уйдаги турар ва нотурар жойлар мулкдорлари уйдаги мулкни бевосита бошқариши тартиби тўғрисида келишув ишлаб чиққан. Унда мулкдорларнинг камида 2/3 қисми овоз берган бўлса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланишини қайд этиб, ушбу тартибни тан олишни сўраб судада даъво аризаси билан мурожаат қилганлар. Суднинг ҳал қилув қарори билан келишув қонун ҳужжатларига мувофиқ деб топилган, тартиб эса юридик жиҳатдан белгиланган. Шу тариқа, мулкдорларнинг 100%и эмас, балки 2/3 қисмининг овози билан қонуний асосда қарорлар қабул қилина бошлаган.

3. Ушбу вариант уй ахли кўп бўлмаган уйларга кўпроқ мос келади.

4. Бадалларни тўлашга доир квитанциялар, маълумотномаларни бериш билан боғлиқ муаммо. Ваколатли шахснинг (уйбошининг) квитанцияга муҳр қўймай имзо чекиши мулкдорларни қаноатлантирмайди.

Ваколатли шахслар ТИИБда шахсий штамп ва уй кенгашининг штампларини бююртириб, уларни тўлов ҳақидаги квитанциялар, маълумотномаларга босиши амалиёти мавжуд. Штамп бўлмаса – квитанция ва маълумотномаларни маҳалла кўмиталарида тасдиқлайдилар.

2-ВАРИАНТ.

Мулкдорлар жамоаси бошқарувчи ташкилот билан бошқарув шартномасини тузади

Ижобий томонлари:

1. Мулкдорларнинг штат, моддий-техника базасини ташкил этиши, уни тутиб туриши, уйни сақлаш ишларини ташкиллаштиришига зарурат бўлмайди.

2. БК ходимлар малакаси, моддий-техника базаси мавжудлиги туфайли хизматлар сифатли кўрсатилишини таъминлайди.

3. БК бажарадиган ҳажмлар, бозордаги рақобат сабабли хизматлар қиймати камайди.

4. БК бажарилган ишлар учун масъул, таъмирлаш ишларининг кафолатли мuddати бор.

5. БК уй учун кредитлар олиши мумкин.

6. БК номидан бюджет маблағларини жалб этган ҳолда уйларни капитал таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, лифтларни алмаштириш дастурларига кириш имкони бор.

7. БКнинг ҳисоб-китоб счётига тушадиган бадаллар ишончли сақланади.

8. Маълумотномалар бериш масаласи ҳал этилган.

5. Мулкдорларнинг маблағлари нақд шаклда тўпланади ва уйбошида сақланади ёки унинг банкдаги счётига келиб тушади. Бу эса суиистеъмолчиликлар ва ўғирликлар хатарини оширади.

Уйбоши мулкдорларнинг маблағлари сақланиши учун бутун шахсий мулк билан жавоб бериши тўғрисидаги мажбуриятни имзолаган амалиёт мавжуд. Маблағ банкда сақланаётган бўлса, уларни уй эҳтиёжларига олишдан аввал тафтиш комиссияси аъзоларига асос тақдим этиш зарур.

6. Турар жойлар мулкдорларидан мажбурий бадаллар бўйича қарздорлиқни суд тартибда ундириш қийинчилик тугдиради.

Мулкдорлар уйдаги умумий мулкни сақлаш тартибини белгилаб, мулкдорлардан қарзни суд тартибда ундириб олиш ҳуқуқи уй кенгашига берилишини қайд этсалар, бунга эришиш мумкин бўлади.

7. Серхаражат таъмирлаш ишлари учун кредит олиш имкони йўқ.

8. Бюджет маблағларини жалб этган ҳолда уйларни капитал таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, лифтларни алмаштириш дастурларига кириш имкони йўқ.



Салбий томонлари:

1. БК фаолияти турар жой мулкдорларининг ўзини ўзи бошқаришини чеклаб қўйиши мумкин, бу қонунчиликни бузиш, улар ўрнига қарор қабул қилиш ҳисобланади.

2. Шартнома шартлари мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид келиши мумкин. Мулкдорларнинг вакили уни имзолашдан олдин диққат билан ўқиб чиқиши лозим.

3. Мулкдорларнинг маблағлари БКнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Мулкдорларда маблағлардан мақсадли фойдаланилаётганини назорат қилиш имкони кам бўлади.

Янгича газ берамиз

Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига деярли янгиланган киритилмаганига 20 йилдан ошди. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан янги Қоидаларнинг тасдиқланиши узоқ кутилган ҳодиса бўлди. Унда коммунал, тадбиркорлик ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари учун намунавий шартномалар ҳам ундан жой олган. Ушбу материалда маиший истеъмолчиларда шу бугун юзага келиши мумкин бўлган саволларга тўхталдик.

Зарарли расмийлик

Табиий газдан маиший фойдаланувчилар орасида газ таъминоти ташкилоти билан ёзма равишда тузган шартномаси қўлида бўлмаганлар кўп топилади. Қонун чиқарувчи вазиятни ўзгартиришга қарор қилди.

Қоидаларнинг 49-бандига мувофиқ, шартнома тузилмаган тақдирда, у газ тармоғига амалда уланган вақтдан тузилган ҳисобланади. Шу ернинг ўзига газ таъминоти ташкилоти мазкур истеъмолчи билан шартнома тузиш юзасидан зарур чоралар кўриши шартлиги қайд этилган.

Бундан буён улар барча истеъмолчилар билан ўз вақтида тузилиши ва қайта тузилиши лозим. Бунинг учун Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига кўчмас мулк ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказгандан сўнг 3 кун муддат ичида газ таъминоти ташкилотига кўчмас мулк эгаси тўғрисида маълумот юбориш мажбурияти юклатилди.

Бироқ Қоидаларда шартномаларни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда истеъмолчиларнинг иштирок этиши тартибга солинмаган. Бу ҳаммаси ҳақида энди газ таъминоти ташкилоти қайғуришини аниқладики? Ёки истеъмолчининг ўзи барча зарур маълумотномаларни йиғишга тўри келадими? Ушбу норма амалиётда бажарилишига етказиб берувчи қанчалик масъулият билан ёндашади? – Бунинг бари вақт кўрсатади...

Янги намунавий шартномалар аввалгиларидан батафсиллиги ва аниқлиги билан ажралиб туришини тан олиб айтиш жоиз. Уларда ҳисоблагичлардан фойдаланиш, газдан фойдаланиш ускунасини техник тафтишдан ўтказиш ва (ёки) уларга профилактик хизмат кўрсатиш тартиби, Мажбурий ижро бюроси билан ўзаро муносабатлар аниқ қайд этилган. Шартномага ўрнатилган газ қурilmаларини хавфсиз ишлатиш бўйича кўрсатма ва эслатма илова қилинади.

Чой тез қайнаб чиқиши учун

Ҳаво ҳарорати пасайиб, совуқ тушиши билан истеъмолчилар газ узатиш даражасидан норозиликларини билдира бошлайдилар. Етказиб берувчи одатда бу вазиятда турар жой секторини иситиш учун газ истеъмоли ошганлигидан қувурдаги босим пасайганлигини рўқач қиларди.

Янги Қоидалар ва Намунавий шартномага кўра, газ таъминоти ташкилоти табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳажмда ва сифатда тўхтовсиз етказиб берилишини таъминлаши шарт.



Бу нафақат кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилиш, балки ўзаро ҳисоб-китоб учун ҳам муҳимдир. Чунончи, Маиший истеъмолчилар учун табиий газ етказиб бериш намунавий шартномасининг 6.3-бандида айтилишича: «зарур миқдорда газ етказиб берилмаган ҳолатда, етказиб берувчи ҳар бир кечиктирилган кун учун шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4%, бироқ етказиб берилмаган газ умумий қийматининг 50%идан ортқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайдил».

Бироқ Қоидаларда ҳам, намунавий шартномаларда ҳам белгиланган нормаларнинг аниқ миқдорларга кўрсатилмаган. Газчилар Тошиссиқликэнерго ва бошқа коммунал хизматлар тажрибасига эргашиб, ўз хизматларини кўрсатиш қоидалари ва истеъмолчилар билан намунавий шартномаларга шунга ўхшаш маълумотларни киритганлари маъқул.

Зеро Қоидаларда газ таъминоти ташкилоти газ узатишни қандай – белгиланган нормалар талабларига мувофиқ таъминлаши шартлиги қайд этилган. Шу нормаларни кўрсатиш қолди, холос...

Эшигингизни қоқиб келишларини кутинг

Истеъмолчиларни назорат тартибда айланиб чиқиш доим коммунал ресурслар етказиб берувчиларнинг мажбуриятига кирган. Мажбурий ижро бюроси ташкил этилиши билан газ таъминоти ташкилоти ходими билан бирга ушбу янги тузилма вакили ҳам истеъмолчилар ҳузурига келиши мумкин. Кимни, қачон ва қандай саволлар билан кутиш керак?



Газдан фойдаланиш ускунасини техник тафтишдан ўтказиш ёки унга профилактик хизмат кўрсатиш учун етказиб берувчининг вакили тасдиқланган жадвал ёхуд навбатдан ташқари талабномангизга асосан келиши мумкин (Намунавий шартноманинг 4.1-банди). Кўп қаватли турар жойларда газ плиталарининг (бошқа газ приборлари мавжуд бўлмаганда) техник тафтиши ва профилактик хизмати 2 йилда 1 марта ўтказилади. Турар жойлардаги газ плиталари, иситиш, сув иситиш приборлари – ҳар йили 1 марта техник тафтишдан, уларга профилактик хизмат кўрсатиш эса – ҳар бир иситиш мавсуми бошланишидан аввал ўтказилади.

Бу ишларнинг ҳаммасини етказиб берувчи истеъмолчи иштирокида, далолатнома расмийлаштириб ўтказиш ва бажарилган ишлар сифатига жавобгар ҳисобланади. Истеъмолчи эса кўрсатилган хизматлар учун тўловни тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширади (Намунавий шартноманинг 4.2–4.4-бандлари).

Қоидалар ва Намунавий шартнома матнида кўринишича, Бюро ходимлари ҳам истеъмолчилар ҳузурига келиши керак. Ушбу ташрифлардан мак-

сад – ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олиш ва текшириш, ҳисобга олиш приборларининг соғлигини ва тамгаларнинг бузилмаганлигини кўздан кечириш. Бироқ ушбу ташрифларнинг аниқ даврийлиги белгиланмаган. Бир жиҳат аён: газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланмаган ҳисоблагичга эга бўлган истеъмолчилар ҳузурига бундай ташрифчилар ҳар ойда келиши мумкин (Қоидаларнинг 87-банди).

ТГҲНАга уланган ҳисоблагичга эга бўлган ёки ҳисоблагич бўлмаган истеъмолчиларни Бюро ходимлари қандай муддатларда айланиб чиқиши керак? Ҳужжатлардан маълум бўлишича, бундай айланиб чиқишлар ўтказилиши шарт. Фақат уларнинг даврийлиги кўрсатилмаган. Тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун УҚХнинг норматив-ҳуқуқий базасидаги ушбу бўшлиқни бартараф этиш мақсадга мувофиқ.

Истеъмолчилар фирибгарлар қурбонига айланмасликларини учун айланиб чиқишлар даврийлигини библишлари муҳим. Зеро истеъмолчи Бюронинг ваколатли ходимларига сутканинг исталган вақтида газ ҳисоблагичини кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт. Одатда, уларни кўздан кечириш соат 8.00 дан 20.00 гача амалга оширилади (Қоидаларнинг 85-банди). Бунинг устига, Қоидаларда Бюро вакилини ҳисоблагични кўздан кечиришга йўл қўймаслик ҳолати учун уни газ тармоғидан узиб қўйишга бўлган етарлича қатъий таъсир чоралари назарда тутилган (Қоидаларнинг 86-банди).

Бошқа томондан, барча истеъмолчиларни белгиланган даврийликда айланиб чиқиш таъминлаши лозим. Бу ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масала. Қоидаларда белгиланишича, ҳисоблагичга қасддан шикаст етказилганлиги, тамгалар бузилганлиги, табиий газ ҳисоби ноқонуний юритилганлиги далили аниқланган тақдирда Бюро ёки газ таъминоти ташкилотининг ваколатли ходими сўнгги қўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб қайта ҳисоб-китоб қилинади (Қоидаларнинг 123-банди).

Қоидаларда етказиб берувчи ва Бюро вакиллари биргаликда келишлари мумкин бўлган ҳолат ҳам назарда тутилган. Уларнинг биргаликдаги ташрифидан мақсад – ҳисоблагични қиёслов учун ечиб олиш (Қоидаларнинг 81-банди). Меҳмонлар текширув муддати тугашидан камида 1 кун аввал келишлари керак (Намунавий шартноманинг 2.12–2.14-бандлари). Ҳисоблагич ўрнатилганидан кейин уни тамгалаш учун ҳам улар биргаликда келишлари лозим.

Газ плитасини балкондан олиш керакми?

Квартира ва турар жойларни қайта режалаштириш – истеъмолчилар билан газчилар ўртасида юзага келаётган қўлпа низолар сабабчиси. Янги Қоидаларда бу ҳақда нима дейилади?

Қоидаларнинг 143-бандида газдан фойдаланиш ускунасини ўзбошимчилик билан газлаштириш, кўчириш, алмаштириш ва таъмирлашга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шунингдек ушбу ускуналар жойлашган хоналарда меъёрий талабларга номувофиқ тарзда қайта режалаштириш тақиқланган. Газдан фойдаланиш ускунаси, мўри ва вентиляция тизимлари тузилишига ўзбошимчилик билан ўзгартириш киритиш, мўрилари тозалаш учун мўлжалланган вентиляция каналлари ва люкларни ёпиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Газ приборлари ва улардан

Янгича газ берамиз



7-бетда
фойдаланиладиган хоналар билан боғлиқ ҳар қандай ишни туман газ идорасига бориш ҳамда бўлажак барча ўзгартиришларни лозим даражада расмийлаштириш, тегишли лойиҳаларни тузиш ва тасдиқлашдан бошлаш даркор. Бунда «мумкин эмас» деган жавобга ёки хоҳиш-истакларингиз билан мос тушмайдиган тавсияларга қулоқ тутишга тайёр бўлишингиз керак. Буларнинг бари хавфсизликни кўзаб қилинади. Му- тахассислар нафақат сизни, балки қўшниларингизни ҳимоялаш учун барча нормаларга риоя этишингизда кўмак берадилар.



Бироқ қайта қўриб чиқиш ва қўшимча ишлов беришни талаб этувчи кўп масалалар бор. Сўнгги вақтда плитани газ тармоғига улаш учун истеъмолчиларнинг металл шланглардан фойдаланиши газчиларнинг кўп- лаб эътирозига сабабчи бўлмоқда. Кўпинча газчилар бундай шланглардан фойдаланиш тақиқланганлигини исботлашга уринадилар. Аслида улардан фойдала- ниш ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳалаш нор- малари»нинг 6.2-бандида тартибга солинган. ШНҚга мувофиқ «*маиший газдан фойдаланиш ускунасини улаш учун қўлланиладиган эгилувчан шланглар «газ» маркировкасида эга бўлиши, ички диаметри 10 мм дан кам бўлмаслиги керак*». Яъни масаланинг ечими ишлаб чиқарувчининг виждони ва масъулиятига боғлиқ, у эса одатда хорижлик бўлади. Ушбу шлангдан мамла- катимизда қабул қилинган техник шартларда хавфсиз фойдаланиш мумкинлигини ким тасдиқлайди?

Шу сабабли фойдаланилаётган ускуналарнинг республикада қабул қилинган техрегламентлар- га мувофиқлигини қандай таъминлаш ва назорат қилишни аниқ белгилаш зарурати юзага келади. Ушбу тизим батафсил ишлаб чиқишга муҳтож. Вазиятнинг хавфлилигини ва эҳтимолӣ фожияли оқибатлари- ни инобатга олган ҳолда газ ускуналарининг миллий сертификатлаш органлари томонидан мажбурий текширилиши тизимини жорий этиш имконияти ҳам назарда тутилмоғи лозим.

Қиёсловдан ўтказишга доир янгилеклар

Истеъмолчилар ҳисоблагичлар кўрсаткичлари бўйича газ таъминоти ташкилоти билан ҳисобла- шишлари керак. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг яратилаётган автоматлашти- рилган тизимига тўғри келадиган уни ҳисобга олиш приборларининг янги моделлари яқинда бозорга чи- қади. Вақти келиб улар барча истеъмолчиларда ўр- натилади. Қоидаларда ҳозирданоқ янги норма жорий этилган. Истеъмолчилар Ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган турдаги ҳисоблагичлардан фойдаланишлари шарт (Қоидаларнинг 70-банди).

Қоидаларда фойдаланилаётган ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш даврида ўзаро ҳисоблашнинг янги нормалари ҳам белгиланган. Чунончи, ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборлари ўрнати- лунга қадар мавжуд ҳисоблагичларни даврий давлат қиёсловидан ўз вақтида ўтказишни ташкил этиш учун жавобгарлик газ таъминоти ташкилотига юкланади (Қоидаларнинг 73-банди). Бироқ ушбу норманинг бажарилиши аниқ тартибга солинмаган.

Қоидаларда айтилишича, табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат қиёсловдан ўтказиш сарф-харажатлари уларнинг мулкдори томонидан қопланади. Демак, фуқаро ўзида ўрнатилган ҳисобга олиш прибори қийматини тўлаган бўлса, унинг мулкдорига айланиб, уни дав- рий қиёсловдан ўтказиш ишлари ҳақини ўзи тўлаши шарт бўлади. Ҳисоблагич газ таъминоти ташкилоти ҳисобидан ўрнатилган ва истеъмолчи унинг қиймати- ни тўламаган бўлса, унинг учун даврий қиёслов ҳам бепул ўтказилиши керак.

Қоидаларнинг 81-бандини амалга ошириш ҳам савол тугдиради. Унда айтилишича, ҳисоблагич ал- маштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, давлат қиёсловдан ўтказиш ва созлигини мониторинг қи- лиш учун ечиб олинганда текширилган бошқа ҳисобга олиш прибори газ таъминоти ташкилоти ҳисобидан дарҳол ўрнатилади. Газ етказиб берувчи ушбу вази- фани бажаришга тайёрми? Тайёр бўлмаса, бундай вазиятда ўзаро ҳисоб-китоблар қандай амалга оши- рилади? Қоидаларда бунга ҳам жавоб йўқ.



Бундан ташқари, Қоидаларда истеъмолчиларнинг тўловларни тўламаслиги учун жавобгарлиги кучайти- рилган. Жараён 95–97-бандларда тавсифлаб берил- ган. Газ таъминоти ташкилоти ҳар ойнинг 11-санаси- дан кечиктирмай, қарздорлиги бўлган истеъмолчилар рўйхатини шакллантиради ва уларни Бюрога тақдим этади. Бюро ушбу ахборотни олган кунининг эртасида- нок истеъмолчиларни қарзни 5 кун ичида узиш лозим- лиги ҳақида хабардор қилишни таъминлаши шарт. Истеъмолчи айтилган муддат ичида тўлашга улгурмаса, Бюро қарздорлиги мажбурий тартибда ундириш, шу жумладан тармоқдан узиш чораларини кўради. Ушбу 5 кунлик муддат, айниқса истеъмолчи қўйилаётган талабларнинг ноқонунийлигини исботлашга тўғри келадиган ҳолатларда, камлик қилмайдими?..

Асоссиз ҳисобланмалар билан қандай иш тутилади?

Қоидаларда асоссиз ҳисобланмаларга қарши ку- рашиш чоралари назарда тутилган. Қоидаларнинг 100-бандига асосан, газ таъминоти ташкилотлари маълумотлар базасида белгиланган тарифлар кўта- рилиши вақтига қадар истеъмолчи амалга оширган

тўловлар ҳақидаги ҳисобга олинмаган ҳужжатлар аниқланган тақдирда, ушбу истеъмолчи истеъмол қилган табиий газ бўйича қайта ҳисоб-китоб тўлов санасида амалда бўлган тарифлар асосида амалга оширилиб, кейинчалик биллинг тизимидаги шахсий ҳисобрақами кўрсаткичларига тузатиш киритилади. Қоидаларнинг 101-бандида эса тарифлар ўзгарганда аввал ҳисобланган сумма бўйича тарифлар ўзгари- шига қадар тўлов амалга оширилмаган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайдиган қарздорлик юзага келган деб топилиши қайд этилган. Яъни қайта ҳисоб-ки- тоблар қарздорлик юзага келган пайтда амал қилган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Шунингдек энди ҳисоблагичга қасддан шикаст етказилган, тамгалар бузилган, табиий газ ноқону- ний ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб сўнгги кўриқдан ўтказиш кунидан бошлаб ҳақиқий кўрсат- кичлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши белгиланган (Қоидаларнинг 123-банди). Фақат Қои- даларда ушбу сана қандай белгиланиши қайд этил- маган. Ушбу норма ишлаши учун, ҳар бир кўриқдан ўтказиш якунларига кўра истеъмолчи ва Бюро вакили ўртасида далолатнома тузилиши ёки журнал юрити- либ, унда истеъмолчи ташриф далилини ўз имзоси билан тасдиқлаши керак бўлади.

Яна бир жиҳат. Қоидаларнинг 124-бандида «*бош- ланғич маълумотлар (иситиш майдони, газдан фойдаланиш ускуналари сони ва яёошчилар сони, бузиб кўрсатилиши*» тушунчаси мавжуд. Бу нафақат ҳисоблагич ва бошқа газ ускунасида фойдаланиш қоидалари бузилганда, балки истеъмолчида ҳисобла- гич бўлмаганда ўзаро ҳисоб-китоб қилишда жуда му- ҳим. Бироқ ҳужжатда ушбу маълумотларни аниқлаш механизми ва тасдиқлаш усули белгиланмаган.

Бунда истеъмолчини газ таъминоти тармоғидан узиб қўйиш ҳуқуқи етказиб берувчида қолган. Наму- навий шартноманинг 3.4-бандига мувофиқ, бу чора қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши мумкин:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақти- да амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- Бюронинг мажбурий кўрсатмалари бажарилма- ганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш при- борларидан кўрсаткични ёзиб олишга қўйилмаганда;
- ҳисобга олиш приборларига қасддан шикаст етказилганда, унинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида унинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хат- ти-харакатлар амалга оширилганда;
- табиий газни талон-торож қилиш, газ тармоқлари- га ноқонуний улашни ёки Газдан фойдаланиш қоида- ларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Олег Гаевой.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техни- кани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёр- лаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Қўаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўкиладиган, игнабаргли, мева. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сандмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: shx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нотири – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасиди тартиди ва савоқланди.
Нашр қўралини – 186, Қўраб бичими – А3, Ҳажми – 2 босма тўбас, Базоси қўралиниги тартиди.
Буюртма 125. Адади 935. Газета 2018 йил 5 март соат 15.00 да тўлиқирди.